Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 17 февраль • №7 (1391)



**2022 ЙИЛ–ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ:

# ТИББИЁТ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

## ИККИ ТОМОНЛАМА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА

**Соғлиқни сақлаш вазирлигида Германия Федератив Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Тило Клиннер билан учрашув бўлиб ўтди. Мулоқотда кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик алоқалари нафақат сиёсий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалар, балки тиббиёт йўналишида ҳам муваффақиятли ривожланиб бораётгани қайд этилди.**




Хусусан, Германия мамлакатимизга пандемия оқибатларини енгиб ўтишда катта амалий ёрдам кўрсатди. Ушбу давлат кўмаги билан COVAX дастури доирасида юртимизга AstraZeneca вакцинаси етказиб берилди.

Бундан ташқари, 160 минг евро миқдорида инсонпарварлик ёрдами, замонавий ПЗР лабораториялари, диагностика жиҳозлари, COVID-19дан ҳимояланиш воситалари ҳам тақдим этилди. Айниқса, коронавирусга қарши курашда юқори самара берувчи 10 минг доза сунъий "антитаначалар коктейли" препарати юборилгани хасталикларни даволашда катта натижа берди.

Европанинг юқумли касалликларни ўрганиш соҳасидаги нуфузли илмий-тадқиқот муассасаси – Роберт Кох институти ва машҳур "Шарите" клиникаси мутахассислари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилиши ҳам тиббиёт соҳасидаги алоқаларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

"Heinemann Medizintechnik", "Karl Storz", "Greiner" ва "KfW Bank Group" компаниялари иштирокида Қорақалпоғистон Республикасида умумий қиймати қарийб 2 млн. еврога тенг "Германия —Ўзбекистон тиббий консултатив-диагностика маркази" ташкил этилиши ҳамда бу ерда немис шифокорлари томонидан операциялар ўтказилиши эса Оролбўйи минтақаси аҳолиси учун қўшимча имконият яратяпти.

Шу билан бирга, "Friedensdorf International" халқаро хайрия ташкилоти кўмагида уюштирилаётган инсонпарварлик акцияси доирасида ўзбекистонлик бемор болалар Германияга даволаниш учун юборилмоқда. Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан биргаликда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар ҳам катта самара бермоқда.

Қолаверса, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилишга доир қатор лойиҳалар Германия тараққиёт банки (KfW) томонидан молиявий қўллаб-қувватланяпти. Жумладан, юртимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишида 27 миллион евро миқдоридаги грант ажратилган. Унинг доирасида республика ва вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, мутахассислар малакаси оширилди.

Силга қарши кураш соҳасига ажратилган 3 миллион евро миқдоридаги грант асосида эса шу йўналишдаги шифо масканлари замонавий диагностика ускуналари ва тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди.

KfW банкининг 34,5 млн. евролик навбатдаги лойиҳаси вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларини модернизация қилиш ва фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилди. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида амалга оширилган лойиҳага кўра, бу ерга МСКТ, ангиограф, рентгеноскопик ускуналар, ИВЛ қурилмалари ўрнатилди.

2022-2025 йилларга мўлжалланган 13,5 миллион евро миқдоридаги яна бир лойиҳа Термиз шаҳрида тиббий таълим ва малака ошириш дастурларини модернизация қилишни кўзда тутади. Унинг доирасида Термиз шаҳридаги тиббиёт коллежи зарур жиҳозлар, жумладан, 200 нафар ўрта тиббиёт ходимини ўқитиш имконини берувчи симуляция воситалари билан таъминланади.

Учрашувда ахборот-коммуникация соҳасида дунёда алоҳида нуфузга эга немис компанияси — SAP билан ҳамкорликда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришга қаратилган йирик лойиҳани амалга оширишга доир режалар муҳокама этилди.

**Шу билан бирга, мулоқот давомида Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди билан Германиянинг етакчи клиникалари ўртасида яқин алоқаларни йўлга қўйиш ва бу орқали бемор ўғил-қизларда мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш, кадрлар тайёрлаш, тиббиёт ходимларининг ушбу мамлакатда малака оширишини таъминлаш каби қатор масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.**

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги**
**Матбуот хизмати.**

"ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН"

1295

# МУРОЖААТЛАР СОНИ 19300 МИНГТАДАН ОШДИ

**Бу ерда ҳар куни эрталаб соат 09:00 дан кечки 20:00 гача телефон қўнғироқлари тинмайди. Ҳар бир мурожаат диққат билан эшитилади, ёзиб олинади ва тегишли тартибда ижро учун йўналтирилади.**

Қўнғироқларга жавоб берувчилар – оддий операторлар эмас, аксинча Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси тизимининг энг етакчи муассасаларида фаолият кўрсатувчи малакали ва тажрибали мутахассислар.

1295 қисқа рақамли "Call-марказ"нинг иш жараёни шундай тиғиз. Қолаверса, йўлланаётган ғоя, таклиф ва муаммоли масалалар ижтимоий тармоқларда очилган электрон манзиллар орқали ҳам қабул қилиняпти.

Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизими вакиллари билан "Ўзбекистон тиббиёти — инсон қадри учун" мавзусида бўлиб ўтадиган очиқ мулоқотига тайёргарлик жараёни айни пайтда шундай қизғин паллага кирган.



# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида ”ги 2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарорига қисқача

# Ш А Р Ҳ

Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5270-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон, “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 2021 йил 25 мартдаги ПФ–6195-сон фармонлари ҳамда “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногиронликни белгилаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 27 ноябрдаги ПҚ–22-сон қарорига асосан ишлаб чиқилди.

Қарорда Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолиятини такомиллаштириш, ногиронликни белгилаш бўйича ягона қамраб олувчи тизимини яратиш, тиббий-ижтимоий экспертизанинг замонавий, шаффоф усуллари ва мезонларини татбиқ этиш, ногиронликни белгилаш, фуқароларни кўрикдан ўтказиш тартиби, ногиронлиги бўлган шахсларда расмийлаштирилган тегишли ҳужжатларни ва ногиронлиги бўлган шахсларда ногиронликни асосли белгиланганлигини текшириш тартибини татбиқ этиш чораларини ушбу қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишининг асосий мақсад ва вазифаси этиб белгиланган.

Қарор ўз моҳияти билан тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолиятига оид бўлган меъёрий-хукукий ҳужжатларни битта ҳужжатга жамланганлиги билан аҳамиятга эга. Бунда республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси, тиббий-ижтимоий эксперт ва педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари тўғрисидаги Низомлар;

тиббий-ижтимоий эксперт ва педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида фуқароларни кўрикдан ўтказиш тартиблар;

Зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган давлат тиббиёт муассасаларига бепул текширувлар ўтказиш учун бириктирилган тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари рўйхати;

фуқароларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида кўрикдан ўтказиш учун қабул қилиш ва ўтказиш тартиби, ногиронликка олиб келувчи асосий касалликлар рўйхати ва ушбу касалликларда ногиронликни белгилаш мезонлари, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган, шунингдек, нохуш клиник прогнозга эга касалликлар ва асоратлар ҳамда кўрикдан қайта ўтказиш муддати кўрсатилмасдан ногиронлик белгиланадиган касалликлар рўйхати;

жабрланганнинг касбий меҳнат лаёқати йўқотилиши даражасини экспертизадан ўтказишнинг асосий мезонларини, касблар фаолияти билан боғлиқ касб касалликлари рўйхатини, жабрланганда касбий меҳнат лаёқати йўқотилиши даражалари ҳамда уларни белгилаш тартиблари тасдиқланди.

Қарорда республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси вазифалари ва функцияларини кенгайтириш;

18 ёшгача бўлган шахсларни кўрикдан ўтказиш учун Республика бўйича янгитдан 19 та педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари (Қорақалпоғистон Республикасида, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятида 2 тадан қолган вилоятларда биттадан) ҳамда қўшимча 4 та туманлараро тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари (Қашқадарё,Наманган, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида )ташкил этиш;

тиббий-ижтимоий эксперт ва педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларига экспертизадан ўтиш учун бирламчи юбориладиган шахсларни динамик кузатувда бўлиш муддатларни қисқартириш;

илмий-текшириш ишлари ва умумжаҳон тажрибани чуқур ўрганиш;

ногиронликни белгиланишни умумжаҳон мезонларига яқинлаштириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг якка тартибдаги реабилитация дастурларини такомиллаштириш;

тиббий-ижтимоий эксперт ва педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг моддий-техник базасини кучайтириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари қарорда ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, улар ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда ногиронликни муддатсиз даврга белгилаш;

ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини ишлаб чиқишнинг муддатлари ва босқичларини, уни ишлаб чиқишда ногиронлиги бўлган шахс ҳамда мутахассислар иштирокини, дастурни бажаришда бажарувчи ташкилотларга қўйиладиган талаблар ҳамда унда белгиланган тадбирларнинг мониторингини олиб бориш ва бажариш натижаларини баҳолаш аниқ вазифа этиб белгиланган.

Қарорда фуқароларга ногиронлик белгилаш, ногиронлик белгиланган шахсларни реабилитация қилишга тўғри йўналтириш, реабилитациянинг барча турларини ташкиллаштиришга ёрдам беради, бундан ташқари, замонавий ахборот технологиялари фойдаланишни жорий қилиш имкониятларини қамраб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий интеграциялашувига ёрдам беради.

**Умарали НАЗАРМАТОВ,**
**Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бошлиғи.**

**●Бухоро вилояти**

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

# ТАКЛИФЛАР ВА МУРОЖААТЛАР ЙИҒИЛМОҚДА

**КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ САБИРОВ УЛУҒБЕК БУХОРО ВИЛОЯТИГА КЕЛИБ, СОҲА ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ**

**Бухоро давлат университети конференциялар залида бўлиб ўтган ушбу учрашувда асосий масала тиббиёт соҳасидаги ҳозирги кун муаммоларини, соҳа ходимларининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш бўлди.**



Чунки бу нарсалар мамлакатимиз Президентининг яқин кунларда мўлжалланаётган соғлиқни сақлаш ходимлари билан очиқ мулоқотига олиб чиқилади, шу билан бирга, қабул қилинажак давлат микёсидаги қарорларда ўз ечимини топади.

Эслатиб ўтамиз: вилоят бўйича “1295” телефон рақамли Колл марказ орқали, шунингдек, видеоконференциялар, фуқаролар билан учрашув ва қабул соатлари давомида 2021 йил 15 декабрдан 2022 йил 8 февралгача тиббиёт ва соғлиқни сақлашга доир жами 806 та мурожаатлар келиб тушган.



Шулардан 518 таси тиббиёт ходимларидан 288 таси бошқа фуқаролар томонидан билдирилган мурожаатлардир.

Давоми 3-бетда➔

ТИББИЁТИМИЗ ЮТУҚЛАРИ

# БУХОРОДА ИЛК БОР БУЙРАК ТРАНСПЛАНТАЦИЯ ОПЕРАЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ

## *62 ЁШЛИ ОТА ФАРЗАНДИГА ЎЗ БУЙРАГИНИ БЕРДИ*

**Буйрак – инсон танасидаги энг муҳим аъзолардан бири. Ундаги ҳар қандай ўзгариш бутун организм фаолиятига салбий таъсир этади. Айниқса, сурункали буйрак етишмовчилиги оғир хасталиклардан бири бўлиб, мазкур дардга чалинган бемор ҳафтасига камида 2 марта гемодиализ сеансини олишга мажбур.**



Қолаверса, ушбу муолажа усули анчагина қиммат процедурадир. Бунда хасталикка чалинган инсоннинг ҳаракатланиши ҳамда ҳаёт сифати бузилади. Шу сабабли мутахассислар мазкур касалликни даволашнинг энг самарали усули сифатида буйрак кўчириб ўтказиш амалиётини тавсия этишади. Бироқ бундан бир неча йил аввал юртимизда одам тана аъзоларини кўчириб ўтказишдек мураккаб жарроҳлик операцияларини амалга ошириш шунчаки хомхаёл эди. Аксарият беморлар эса шифо истаб, тиббиёти тараққий этган давлатларга боришга мажбур бўларди. Эндиликда эса бундай ноёб операциялар юртимизда ҳам ўтказилмоқда. Хусусан, куни кеча Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалида пойтахтдан борган бир гуруҳ трансплантолог мутахассислар ҳамда маҳаллий шифокорлар иштирокида буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти бажарилди. Саккиз соат давом этган мураккаб операция натижасида коғонлик 31 ёшли С.Сафаровга 62 ёшли отаси Х. Сафаровнинг ишлаб турган бир буйраги кўчириб ўтказилди. Ҳозир ҳар икки беморнинг ҳам аҳволи яхши.

– Кўз олдингда жондан азиз фарзандингни дарддан сўлиб бораётганини кўриш энг оғир синов, **– дейди Х. Сафаров.** – Айниқса, ўғлимнинг бир неча йил ушбу касалликдан азоб чекканини ўйласам, юрагим оғрийди. Насиб бўлса, ушбу операциядан кейин фарзандим яна соғлом ҳаётга қайтади. Бунинг учун шифокорлардан беҳад миннатдорман.

Мазкур жарроҳлик амалиётига бошчилик қилган Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош трансплантологи, малакали хирург Пўлат Султоновнинг таъкидлашича, 31 ёшли ушбу бемор бир неча йил гемодиализ муолажаси ёрдамида даволаниб келган. Айни вақтга келиб, ташхис терминал босқичга ўтгани сабабли уни ҳаётга қайтаришнинг ягона усули сифатида буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти тавсия этилган. Ҳозир бемор трансплантолог мутахассислар тиббий кузатуви остида бўлиб, унинг буйрак фаолияти тикланишида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Шунингдек, унга донорлик қилган отаси Х.Сафаровнинг саломатлиги ҳам кундан кун яхшиланиб боряпти.





**Маълумот ўрнида айтиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 октябрдаги тегишли қарорига мувофиқ, 2018 йил РШТЁИМда “Хирургик трансплантология” бўлими ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида ушбу марказ мутахассислари томонидан 170 дан ортиқ қариндошлар орасида буйрак трансплантация жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказилди.**

ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗ

# БЕМОРЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

**Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалида 2022 йил 10 февраль куни навбатдаги ҳаётбахш жарроҳлик амалиёти, 31 ёшли беморда буйрак трансплантацияси операцияси ўтказилган эди.**



Тошкентлик бир гуруҳ трансплантолог мутахассислар томонидан РШТЁИМ Бухоро филиали мутахассислари иштирокида буйракни кўчириб ўтказиш амалиёти бажарилганига анча вақт ўтди. Буйрак кўчириб ўтказилган бемор трансплантолог мутахассислар Д. Эргашев ва Р. Садиковлар томонидан кузатув ва назоратда. Бемор С.Сафаровнинг операциядан кейинги соғлигидан хабар олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи А.Бахронов ҳамроҳлигида филиалга ташриф буюрдилар. Беморни операциядан кейинги ҳолатини назорат қилиб турган трансплантолог реципиентга тегишли барча тиббий маълумотлар тўғрисида вазирнинг биринчи ўринбосарига ахборот берди. Унда буйрак фаолиятини тикланишида бўлаётган ижобий ўзгаришлар ва буйрак фаолиятининг тикланиши билан боғлиқ лабаратория ва диагностик текширувлар натижалари маълумотлари ҳақида ҳам батафсил билдирилди. Шунингдек беморга донорлик қилган отаси Х. Сафаровнинг соғлигида ҳам ижобий жараёнлар кузатилмоқда.



Амрилло Иноятов томонидан бу каби мураккаб, юқори технологияли шу билан бирга муваффақиятли операциялари РШТЁИМ Бухоро филиали миқёсида давом эттириш, беморларни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир саволи ишларни янада кенгайтирилиши айтиб ўтилди.

**Шу ўринда айтиш жоизки, ҳукуматимиз мутахассислар зиммасига оғир дардга чалинган беморларга, ватандошларимизга ўз она юртида шифо топиш бахтини улашиш устида тинмай изланиш вазифаларини юклаганлиги айни ҳақиқатдир.**

*Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати*

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

# ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ҚУВОНЧИДАН БАХТ ТОПГАН АЁЛ



**Аёл бу – гўзаллик, садоқат ва меҳр-муҳаббат рамзи. Аёл бу меҳрибон она, садоқатли умр йўлдош, оқибатли опа ё сингил, шу билан бир қаторда ўз оиласига, касбига фидоий инсон. Аёлнинг бахт-у саодати нимада десалар, унинг аёллигида, оиласига бекалигида, бағрида фарзанд тафтини ҳис қилганида, шунингдек, севимли ёр эканлигидадир.**



Аёлнинг бахт-у иқболи эса кимгадир кераклигини ҳис қилишида, оиласи, яқинлари даврасида ўз ўрнига эга бўлишидадир. Аслида аёл ожиза ҳилқат экани ва унинг матонати эса пўлатдан ҳам қаттиқлигига амин бўламиз.

Маълумки, жамият тараққиётида оила асосий пойдевор бўлса, аёл ушбу пойдеворининг мустаҳкамлиги, тинчлиги, фаровонлигини таъминловичи муҳим устун ҳисобланади. Шунинг учун инсоният тараққиёти такомилида аёлларнинг ўрни беқиёс бўлган. Қайси соҳани олиб қарамайлик аёлларнинг фидокорона меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Шунингдек, тиббиёт соҳасида ҳам фаолият олиб бораётган жонкуяр, ўз соҳаси ҳаётининг мазмунига айланиб улгурган аёлларимиз борлиги айни ҳақиқат. Мана шундай аёллардан бири олий тоифали акушер-гинеколог шифокори Тупанисо Ашуровадир.

Тупанисо Ашурова 1977 йилда Андижон тиббиёт институти Даволаш факультетига ўқишга кириб, 1983 йил мазкур даргоҳни имтиёзли тамомлаган. 1983 йилдан буён Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон туманидаги 1-сонли шифохонанинг туғруқ бўлими бош шифокори лавозимида фаолият олиб бормоқда. Салкам 40 йил давомида қанчадан қанча хотин-қизларга оналик бахтига муяссар бўлишдек бахтни иноМ қилиш баробарида уларнинг саломатлигини тиклаш, дардига малмаҳм бўлишдек масъулиятли шунингдек, шарафли касбда фаолият олиб бормоқда.

Олий тоифали шифокор Тупанисо Ашурова ўз касбига фидоийлиги, жонкуярлиги баробарида тиббиёт соҳаси ҳаётининг мазмунига айланиб улгурган. Улардаги матонат, олийжаноблик, хушмуомалалик ҳамда метин ирода атрофдагиларга ўрнак қилгудек. Доимо беморларни ўз яқинидек кўриши, уларнинг дардига малҳам бўлиш, дарду ҳасратига елкадош, қувончига шерик бўлиши синалган ҳақиқат.

Ҳамкасблари шифокор Феруза Қосимова, ҳамшира Дилбар Холбаева, катта бека Донахол Жангировалар устозлари тўғрисида қуйидаги илиқ фикрларни билдириб ўтдилар. “акушер-гинеколог Тупанисо Ашурова ҳар бир беморга эътиборли бўлиб, масъулият билан ёндошадилар. Бемор аёллар кимнингдир севимли ёри, кимнингдир жигарбанди, севимли онаси ёки опаси, синглиси деб қарайдилар. Қачонки беморларини ҳаётга соғлом тарзда қайтармас экан, ҳеч қачон на ўзлари на бошқаларни тинч қўяди. Улардаги бу жасоратни, фидокорликни кўриб ҳар гал ҳайратланардик. Шунингдек, ҳар қандай вазиятда шифокор Тупанисо Ашурова вазминлик билан ўзига хос усул билан вазиятдан чиқар эдилар. Доимо иш жараёнида уларнинг кўмаклари, берган ўгитлари ва тавсияларига суянамиз”.

Олис қишлоқдаги аёллардан тортиб ёшу-қари уларни жуда яхши билишлари, танишлари, уларни тилга олишингиз билан илиқ сўзлари, самимий ниятлари, дуолари билан сийлашларига гувоҳ бўлдик ва бундан ҳайратландик. Аҳоли билан олиб борилган суҳбатда яна шунга амин бўлдикки, улардаги мардлик, олийжаноблик, ўзгалар меҳнатини қадрлаш, иродаси мустаҳкам, ўз соҳасининг етук билимдони сифатида тилга олинди.

Аслида тиббиёт ходимлари барчамизнинг дардимизга малҳам бўлгувчи фидоий инсонлардир. Дардимиздан фориғ қилган инсонлар кўз ўнгимизда ҳақиқий қаҳрамонга айланишлари ҳам бор гап.

**Жалолидин Румий ҳазратлари таъбирлари билан айтганда: “Ҳаётда муваффақиятга эришиш учун уч нарса керак; диққат, интизом ва ҳаракат”. Бу ҳикматомуз иборани тиббиёт соҳа вакилларига қарата таъкидлагандек.** Зеро, тиббиёт соҳаси масъулиятли, инсон саломатлиги, ҳаёти билан боғлиқлиги боис, шарафли касблардан бири ҳисобланади. Бу касбни эгаллашда инсондан нафақат билим балки ўзига хос иқтидор, истеъдод, жасорат, диққат, қатъий интизом ва ҳаракатчанлик талаб қилинади. Қаҳрамонимиз Тупанисо Ашурова ҳам ёшлигидан тиббиёт соҳасига меҳр қўйганликларини таъкидладилар. Бу соҳани эгаллашларида уларга яқиндан кўмак берган, руҳан, маънан қўллаб-қувватлаган инсони онаси Мукаррам ая эканлигини айтиб ўтдилар. Улар билан олиб борган суҳбат жараёнида таълим олишлари билан боғлиқ воқеаларни сўзлаб бердилар: “Биз ўқиган даврларда ҳаммамизга сир эмас аёлларни хусусан қизларни ўқитиш, маълум бир касбнинг этагини тутишлари учун олий таълим муассасаларида, техникумларда таҳсил олиш анчагина қийин бўлган. Боиси қиз болани ўқитишдан кўра, уларни турмушга бериш афзалроқ, ўғил болаларни эса ўқитишга алоҳида эътибор қаратилган. Мана шундай оғир шароитларда мардона туриб онам мени ўқишга жўнатдилар. Тўғри бошида отам бу соҳани эгаллашимга қарши бўлдилар. Сабаби тиббиёт соҳасидан салкам 6-7 йил ўқиш талаб этилади. Қиз бола учун эса бу муддат анчагина кўп деб қарардилар. Аммо шундай вазиятларга қарамасдан онам ҳар доим ёнимда бўлдилар, менга ҳам руҳан ҳам маънан кўмак бердилар. Ҳар қандай гап сўзларга қалқон бўла олдилар. Шунда ўз олдимга бир мақсад қўйганман фарзандларимни албатта олий маълуотли қиламан. Айниқса, қиз бола таълим олиши лозим. Зеро, илмли, маърифатли аёл жамият тараққиётининг муҳим субъекти ҳисобланади. У шу муҳит келажагини таъминлайдиган авлодни дунёга келтиради, уни комил шахс сифатида тарбиялайди. Шунинг учун биз қизларни илм-маърифатли, ўзи севган касби бўйича етук мутахассис қилиб тарбияламасак, жамият талаби даражасидаги маърифатли аёлларни ҳеч қачон тарбиялай олмаймиз. Аллома Абдулҳамид ибн Бодис айтганларидек: “Агар ўғил болага таълим берсанг, бир шахсга таълим берган бўласан. Агар қиз болага таълим берсанг, бутун жамиятга таълим берган бўласан”.



**Жалолидин Румий ҳазратлари таъбирлари билан айтганда: “Ҳаётда муваффақиятга эришиш учун уч нарса керак; диққат, интизом ва ҳаракат”. Бу ҳикматомуз иборани тиббиёт соҳа вакилларига қарата таъкидлагандек.**

Шифокор Тупанисо Ашурова уч нафар фарзанднинг онаси. Улар орзулаган, қайсидир маънода улкан мақсадга айланган ниятлари ушалди. Бу йўлда эса ҳеч ҳам ортига чекинмадилар. Барча фарзандларини олий маълумотли қила олди. Фарзанд тарбиясида ҳам илм инсонни тоблаши, илмнинг этагини тутган ҳеч қачон кам бўлмаслигини уқтирди. Буни уққан фарзандлари эса қаҳрамонимиз орзулаган фарзандлар бўлиб камолга етди ва ҳозирги кунда республикамизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилмоқда. Тўнғич фарзанди Нигора Ашурова олий таълим муассасалаларида ёшларга сабоқ бермоқда, ўғиллари Шерзод Ашуров Давлат хавфсизлик хизматида ва кичик қизлари Нодира Ашурова Қумқўрғон туманидаги темир йўл вокзалида фаолият олиб бормоқда. Фарзандларининг камолини кўриш ҳар бир онани руҳлантиради, фахрланиш туйғусини юзага келтиради. Қаҳрамонимиз фарзандлари ҳам оилада ота-она, бобо, бувиларининг тарбиясини олиб ҳеч қачон кам бўлмаганликларини эътироф этади.

Ҳаётда тақдирлар ранг-баранг. Умр сўқмоқларида инсон тобланиб, сайқалланиб, шаклланиб бораверади. Қисмат синовлари аёл-у, эркакларни танламайди, уларни тоифаларга ажратмайди. Синовларга бардош ва матонат билан тик боқа оладиган, иродаси метин, қалб қўрида эзгуликни шиор қилган, меҳр-оқибати, болажонлиги билан ўзгаларни лол қолдирган ўзбек аёлига қанчалар таъриф-у таҳсин айтсак оз.

**Шу ўринда шифокор Тупанисо Ашуровага дунёдаги эзгу ниятлар ижобатлигини, эл эътирофига, эъзозига муносиб бўлиш бахти тарк этмаслигини тилаб, яқинларингиз ва ҳамкамсбарингиз бахтига соғ-саломат бўлинг деймиз. Ҳар доим элнинг назарида, эъзозида бўлиш бахти Сизни тарк этмасин.**

**Ибодат СОАТОВА,**
**журналист.**

МАҲОРАТ, АМАЛИЁТ, ТАЖРИБА

# БЕМОРНИНГ ИШЛАБ ТУРГАН ЮРАГИДА НОЁБ ОПЕРАЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ

## БУГУНГИ КУНДА ДУНЁДАГИ БАРЧА ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ҚАРИЙБ 60 ФОИЗИ ЮРАК-ҚОН ТОМИР ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ ОҚИБАТИДА КЕЛИБ ЧИҚМОҚДА

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёдаги барча ўлим ҳолатларининг қарийб 60 фоизи юрак-қон томир тизими касалликлари оқибатида келиб чиқади. Қолаверса, бу турдаги хасталиклар ҳануз ногиронликка етакловчи энг асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда.**

Айниқса, аортал клапан стенози энг кенг тарқалган юрак патологияларидан бири бўлиб, Европа ва Осиё мамлакатларида ногиронлик ва ўлим сабаблари рўйхатида юқори ўринни эгаллайди. Янги дори воситаларининг яратилиши ҳамда илғор даволаш усулларига қарамай, ҳозирги кунда аортал стенозни бартараф этишнинг консерватив усуллари мавжуд эмас. Бу касалликни даволашнинг ягона самарали йўли эса аорта қопқоғини алмаштиришдир. Куни кеча Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиалида ана шундай ноёб операция ўтказилди. Мазкур мураккаб жарроҳлик амалиёти Москва шаҳрида жойлашган А.Л. Мясников номидаги кардиология маркази профессори Тимур Имаев ҳамда филиал директори, малакали жарроҳ Набижон Юлдашев бошчилигидаги маҳаллий шифокорлар томонидан муваффақиятли бажарилди. Хусусан, ўтказилган эндоваскуляр аортал қопқоқ алмаштириш операциясидан сўнг Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани Ғардиян қишлоғида яшовчи 77 ёшли Сулаймон ота Эшбоев бир неча йиллик оғир дарддан халос бўлди. Ҳозир беморнинг аҳволи яхши.

– Узоқ йиллардан бери юрагимда қаттиқ оғриқ сезардим, **–дейди С. Эшбоев.** — Бунинг устига, кейинги пайтларда бошим айланиб, хушимдан кетадиган бўлиб қолдим. Ҳолсизлик, юқори қон босими ҳам анча ҳолдан тойдирди. Шукр, қўли енгил шифокорларнинг кўмаги билан ана шу дардлардан халос бўлдим...

Малакали жарроҳ Набижон Юлдашевнинг таъкидлашича, ушбу амалиёт ўта мураккаб бўлиб, катта травматик жарроҳлик усулларидан фойдаланмасдан, махсус катетер (етказиб бериш тизими) ёрдамида сон артерияси орқали, ишлаб турган юракда аорта қопқоғи биопротезини имплантация қилишни ўз ичига олади. Куворнарлиси, сўнгги йилларда тиббиётимиздаги ижобий ўзгаришлар натижасида бу каби ноёб операциялар нафақат пойтахтимиз, балки олис ҳудудларда ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. Жумладан, Қарши шаҳрида яшовчи юрак туғма нуқсони хасталигига чалинган **30 ёшли Шаҳзод Исаев** ҳам шифокорларимиз томонидан бажарилган ана шундай ноёб операциядан сўнг яна ҳаётга қайтди. Айни пайтда беморнинг аҳволи қониқарли. У ҳам шифокорлар назоратида даво муолажаларини давом эттирмоқда.



– Ёш бўлсам-да, қон босимим кўтарилиб, бошим қаттиқ оғрирди, **–дейди Ш. Исаев.** – Кейинчалик кўнгил айниши, ҳолсизлик ва юрагимда оғриқлар безовта қила бошлади. Шифокорлар тавсияси билан бир неча бор муолажа олдим, бироқ фойдаси бўлмади. Шу сабабли ушбу марказга мурожаат қилдим. Ҳозирда аҳволим кундан-кунга яхшиланиб бормоқда. Насиб бўлса, тез кунда яқинларим бағрига қайтаман.

**Маълумот ўрнида айтиш лозимки, ўтган 2021 йилда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиалида жами 3033 та очиқ ва ёпиқ турдаги юқори технологик кардиожарроҳлик амалиёти муваффақиятли амалга оширилди.**

**Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати**

ФАН УФҚЛАРИ

# ҚИЙШАЙГАН УМУРТҚА ПОҒОНА МУВАФФАҚИЯТЛИ ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИНДИ

**Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказида ўтказилаётган жарроҳлик амалиётлари йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида бу ерда бажарилган 7 минг 150 та операциядан 3 минг 968 таси юқори технологик амалиётлар экани сўзимиз тасдиғидир.**



Умуртқа поғонаси деформациясини коррекция ва стабилизация қилиш амалиёти – шундай операциялардан бири. Хўш, унинг мураккаблиги нимада?

Ушбу хасталик нормал умуртқа поғонаси шаклининг ўзгариши бўлиб, одатда унинг 3 хил – сколиоз (ёнга), лордоз (олдинга) ва кифоз (орқага) қийшайиши кузатилади. Катта ёшли кишиларнинг умуртқа поғонасида олд ва орқа томонга қараган кичикроқ букилма бўлади. Бу касаллик эмас, табиий физиологик ҳолат ҳисобланиб, бола тик туришга ва юришга ўргана бошлаганида вужудга келади.

Умуртқа поғонаси деформациясида эса умуртқа поғонасининг олд ва орқа томонга қараб қийшайиши кузатилади. Бу хасталик бола улғайгани сари зўрайиб боради.

Фарғоналик Муҳайё Қўрғонова фарзанди 12 ёшга кирганида унинг умуртқа поғонасидаги нотабиийликни сезган эди. Бир-икки йиллик муолажаларга қарамай, умуртқанинг бир томонга қийшайиши тўхтамади.

Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказига мурожаат қилганидан сўнг болада умуртқа поғонасининг коррекция ва стабилизация операцияси амалга оширилди.

Жарроҳлик амалиётининг мураккаблиги шундаки, умуртқа бўйлаб жойлашган орқа мия тана ҳаракатининг асосий пунктларини назорат қилади. Унга шикаст етиши беморнинг ҳаракат фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Жарроҳлик амалиётидан сўнг ўғлимнинг умуртқа поғонасидаги камчиликлар бартараф этилди, **– дейди М. Қўрғонова.** – Фарзандим ҳозир 15 ёшда. Ўртоқлари билан бемалол ўқишга бориб келяпти.



Умуртқа поғонасининг қийшайишида тана баланси бузилади. Бу эса ўз-ўзидан оғриқни келтириб чиқаради. Ушбу беморимизда ҳам шу ҳолат кузатилган. Унга коррекция ва стабилизация операциясини тавсия қилдик. Бу юқори технологик амалиёт бўлиб, 4-5 соат давом этади.

**Айни пайтда бемор марказда даврий реабилитация муолажаларини олмоқда.**

**Зафар ХОЛОВ,
Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази катта илмий ходими, хирург.**

СТОП COVID-19

# ПРЕОДОЛЕВАЯ ПОСЛЕДСТВИЯ ПАНДЕМИИ

**За прошедший период текущего года в Ташкентской области проведена целенаправленная работа по сохранению санитарно-эпидемиологического благополучия и здоровья населения. Это стало возможным благодаря всесторонней поддержке главы нашего государства, коренному реформированию системы здравоохранения, повышению качества оказываемой первичной медико-санитарной помощи.**





Нашими специалистами своевременно выявляются потенциальные риски в санитарно-эпидемиологической сфере, проводятся мониторинги, реализуется комплекс противоэпидемических мероприятий в районах и городах. Для достижения поставленных целей повсеместно налажена деятельность санитарно-гигиенических лабораторий, привлечены опытные бактериологи, вирусологи, паразитологи и диагностики.

Хотелось бы особо отметить деятельность отдела санитарно-эпидемиологического благополучия и здоровья населения Бекабадского района. По инициативе его начальника Темура Умарова уже не один год работает современная ПЦР-лаборатория. На основании рекомендаций врачей поликлиник ежедневно здесь сдают тесты жители отдаленных населенных пунктов. В настоящее время численность населения района достигает 170 тысяч человек и несмотря на большую нагрузку врач-лаборант Сайёра Бекмуродова успешно справляется с возложенными обязанностями, определяет результаты тестирования в течение суток. Вместе с ней трудятся более 70 работников из числа врачей, специалистов среднего звена, водители. Тому подтверждением служат данные, предоставленные главным врачом многопрофильной центральной поликлиники Бекабадского района Бахромом Бобожоновым.

– В нашем районе действуют 7 семейных врачебных пунктов и 5 семейных поликлиник, **– рассказывает он.** – Согласно рекомендациям сотрудников отдела санитарно-эпидемиологического благополучия и здоровья населения с начала текущего года успели привиться вакцинами AstraZeneka, ZF-UZ-VAC-2001, Moderna, Спутник V, Спутник лайт, Pfizer/BioNTech и Sinovac до 10 тысяч человек. Совместно с коллегами нами ведется работа по формированию электронного списка лиц, подлежащих вакцинации, ведется сбор и анализ медицинской статистики, выявляются факторы, негативно влияющие на здоровье населения.







Не менее эффективно реализуется государственная политика в сфере общественного здоровья, профилактике заболеваний специалистами Бекабадского городского отдела санитарно-эпидемиологического благополучия и здоровья населения. При поддержке Министерства здравоохранения Узбекистана в 2021 году капитально отремонтировано здание учреждения, приобретена современная мебель, организованы мобильные бригады, приведены в готовность помещения для хранения вакцин, завезены хладагенты, электрогенераторы, термосумки и термоконтейнеры.

Под руководством заместителя начальника отдела Сардора Корабоева приведены в исправное состояние транспортные средства, задействована дополнительная COVID-поликлиника. Знающие свое дело эпидемиологи, лаборанты изучают ситуацию в махаллях, проводят дезинфекцию в домах заболевших, повышают медицинскую культуру населения. Осуществляют государственный санитарный контроль за соблюдением хозяйствующими субъектами установленных правил, норм и гигиенических нормативов, применяют соответствующие меры в случае выявления нарушения законодательства.

На сегодняшний день в городе металлургов проживают около ста тысяч человек, а это требует от врачей и эпидемиологов высокого профессионализма и самоотдачи. Здесь стоит особо отметить заслуги вакцинаторов городской семейной поликлиники № 1 Саломат Жураевой и Сайёры Дустматовой, успевающих ежедневно прививать более ста человек.

– Вместе с супругом мы уже успели получить бустерную дозу вакцины против COVID-19, **– говорит пенсионерка из схода граждан «Янги хаёт» Мухтарам Рузиматова.** – Чувствуем себя хорошо, а главное, мы сумели намного обезопасить себя, детей и внуков. За это сердечно благодарны медицинским работникам.

Не менее активно работает педиатр семейной поликлиники Дилбар Усмонова. На основании ее рекомендаций до сегодняшнего дня успели пройти первичную вакцинацию 1300 учащихся общеобразовательных школ, а бустерную дозу получили не менее 1200 детей в возрасте старше 12 лет. В настоящее время ускоренными темпами вакцинация проходит во всех 19 общеобразовательных школах города Бекабада.

**В конечном итоге это способствует предупреждению негативных последствий пандемии, снижению показателей заболеваемости, повышению эффективности лечения инфицированных коронавирусом на основе принятых указов и постановлений главы нашего государства, направленных на всестороннюю поддержку населения, экономических отраслей и субъектов предпринимательства.**

**Сайёра АЛМАТОВА,**
**начальник отдела по связям со СМИ и общественностью Ташкентского областного управления санитарно-эпидемиологического благополучия и здоровья населения.**

АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

# ОПАСНАЯ «МОЛЧАЩАЯ» БОЛЕЗНЬ

**АНЕВРИЗМА АОРТЫ — ГОРАЗДО БОЛЕЕ ГРОЗНОЕ ЗАБОЛЕВАНИЕ, ЧЕМ ИНФАРКТ МИОКАРДА. ЕГО НАЗЫВАЮТ «МОЛЧАЩИМ» — БЕССИМПТОМНЫМ. А ЛЕТАЛЬНОСТЬ ПРИ РАЗРЫВЕ АНЕВРИЗМЫ ПРИБЛИЖАЕТСЯ К 100%. КТО В ГРУППЕ РИСКА, И ЕСТЬ ЛИ СПОСОБЫ УБЕРЕЧЬСЯ ОТ КАТАСТРОФЫ, РАЗЪЯСНИЛИ ВРАЧИ.**



**Аневризма аорты — гораздо более грозное заболевание, чем инфаркт миокарда. Его называют «молчащим» — бессимптомным. А летальность при разрыве аневризмы приближается к 100%. Кто в группе риска, и есть ли способы уберечься от катастрофы, разъяснили врачи.**

Аневризма аорты – это заболевание главного кровеносного сосуда, по которому кровь отходит от сердца к остальным частям тела. Его главная особенность – сосудистая стенка аорты теряет упругость и расширяется. Если данное расширение лопается, возникает большое внутреннее кровотечение, возникает угроза жизни.

Аневризма аорты встречается примерно у 5% населения старше 65 лет. Обычно аневризма аорты растет медленно и не вызывает никаких симптомов, либо симптомы настолько стерты и нехарактерны, что аневризму можно спутать с множеством заболеваний и состояний. Обнаруживают ее чаще случайно – при исследовании органов грудной клетки. Поэтому нередко заболевание называют «молчащим». Сложность и в том, что образование и скорость роста аневризмы аорты трудно предсказать.

– Большинство людей с аневризмой не имеют симптомов. Однако, иногда могут проявляться такие признаки, как боли в животе или спине, или образовываться небольшой «комок» в верхней части живота, который пульсирует, то есть набухает и сжимается в такт с сердцебиением, – **рассказывает доктор медицинских наук, врач-кардиолог Айдар Шарафеев.** – Аневризма может разорваться на фоне полного благополучия. Врачи рекомендуют пройти обследование, если существует высокий риск того, что у вас может быть это заболевание.

**Факторы риска развития аневризмы**

*курение,*

*мужчины (по сравнению с женщинами риск увеличивается в 5 раз),*

*возраст старше 60 лет,*

*высокое давление (более 140/80 мм рт. ст),*

*если у родственников и членов семьи была аневризма.*

Вы можете значительно снизить риск развития и разрыва аневризмы, отказавшись от курения и контролируя свое артериальное давление.

– Зачастую аневризма протекает бессимптомно и является случайной находкой при проведении УЗИ, РКТ. Только в случае разрыва аневризмы, можно почувствовать острую боль, сходную с инфарктом миокарда, **– поясняет врач-кардиолог.** – Но аневризма является более грозным диагнозом, чем инфаркт миокарда. Летальность при разрыве аневризмы приближается к 100%.

**Разрыв аневризмы аорты – симптомы**

В отличии от инфаркта, это боль имеет немного другие характеристики, **отмечает Айрат Шарафеев.**

*боль высокой интенсивности (вплоть до потери сознания от болевого шока);*

*локализация боли может быть за грудиной или в животе, возможная миграция боли – от области сердца в область живота;*

*возникает внезапно после физических нагрузок или повышения давления;*

*боль не купируется приемом нитратов;*

*выраженная слабость, которая нарастает во времени.*

**Тест «большой палец – ладонь»**

В Йельском университете был разработан тест «большой палец – ладонь». Он может в какой-то степени говорить о проблемах с соединительной тканью, которые в дальнейшем способны привести к развитию аневризмы аорты у некоторых людей, признают врачи.

**Как провести пальцевый тест**

Держа ладонь развернутой, плоской, надо максимально согнуть большой палец к противоположному краю ладони. Если он выходит за противоположный край ладони, это может указывать на скрытую аневризму.

– У большинства пациентов с аневризмой палец не выходит за пределы ладони, **– говорит про эффективность теста Айдар Шарафеев.** – Однако у тех, у кого все-таки выходит, аневризма встречается почти в 100% случаев. Пальцевый тест обладает низкой чувствительностью, но высокой специфичностью, заключают исследователи. Но достоверными методами, на основании которых можно поставить диагноз аневризмы будут все же ультразвуковое исследование и компьютерная томография брюшной полости.

– Способность таким образом двигать большим пальцем указывает на то, что длинные кости пациента чрезмерны, а их суставы слабы – а это возможные признаки заболевания соединительной ткани по всему телу, включая аорту, – **также отмечает эксперт, доктор медицинских наук Элина Шарифуллина.** – но положительный тест «палец – ладонь» не является поводом для паники. Аневризмам часто требуются десятилетия, чтобы прогрессировать до точки разрыва. Тем не менее, ученые считают, что тест «большой палец – ладонь» должен быть включен в стандартные физические обследования пациентов, особенно тех, у кого есть семейный анамнез аневризмы аорты.

Распространение знаний об этом тесте вполне может выявить «молчаливых» носителей аневризмы и спасти жизни.

**Как лечат аневризму**

Все зависит от размера аневризмы, обращает внимание врач-кардиолог. Некоторым людям необходимо оперативное лечение, другим – нет. Если аневризма аорты маленькая или она не растет, то таким пациентам, скорее всего, предложат просто наблюдаться.

– Ваш врач предложит вам проходить регулярное УЗИ или компьютерную томографию для определения скорости роста аневризмы, – **поясняет кардиолог Айдар Шарафеев.** –Ваш врач скажет вам, как часто вы должны проходить эти тесты в зависимости от исходного размера аневризмы. Также надо принимать лекарства для контроля артериального давления. Пациенты даже с небольшой аневризмой подвержены повышенному риску сердечных заболеваний. Поэтому ваш врач может обсудить с вами способы снижения риска. Это может включать коррекцию вашей диеты, больше физических упражнений и отказ от курения, если вы курите.

**Кому нужна операция**

*аневризма аорты вызывает какие-либо симптомы,*

*аневризма аорты больше 5,5 см в ширину,*

*аневризма аорты увеличивается более чем на 5 миллиметров за 6 месяцев.*

– При открытой операции по поводу аневризмы врач вскрывает живот и пораженную часть аорты трубкой, называемой «трансплантатом». Эта трубка изготовлена из специальной ткани. Кровь может нормально течь через трансплантат, – рассказал врач-кардиолог. – Также пациенту могут установить эндоваскулярный стент-графт. Врач пунктирует артерию в верхней части бедра и вставляет сложенный трансплантат. Затем врач подводит трансплантат к пораженной части аорты и разворачивает его.

Открытая хирургия немного более рискованна в краткосрочной перспективе, нежели эндоваскулярное восстановление.

**– Ваш врач должен будет наблюдать за вами на предмет проблем, которые могут возникнуть впоследствии. Если ваш врач предлагает вам выбор между двумя вариантами, задайте ему три вопроса: каковы риски каждой процедуры для меня? Какие дополнительные действия мне потребуются для каждого варианта? Что может произойти, если я не буду лечиться ни тем, ни другим способом?**

**Doctorpiter.ru.**

ҚОНУНЧИЛИК

# ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ИШ ЮРИТИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ



**Амалдаги иқтисодий процессуал кодексининг 9-бобида иқтисодий судларда иш юритишни тўхтатиб туришга оид нормалар белгиланган.**

Хусусан, Иқтисодий процессуал кодексининг 101-моддасига кўра суд мазкур ишни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, фуқаролик ишлари бўйича суд, жиноят ишлари бўйича суд, маъмурий суд ёки иқтисодий суд томонидан кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан, шунингдек тергов ҳаракатлари олиб борилаётган иш юзасидан қарор қабул қилингунига қадар кўриш мумкин бўлмаганда, жавобгар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарақатдаги қисмида бўлганда ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳаракатдаги қисмидаги даъвогар-фуқаро тегишли илтимосномa билан мурожаат қилганда, ишда иштирок этувчи шахс бўлган фуқаро вафот этганда, агар низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса, ишда иштирок этувчи шахс бўлган фуқаро муомала лаёқатини йўқотганда, тараф суд томонидан тан олиниши ва ижрога қаратилиши тўғрисида кўрилаётган чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб туриш ҳақида ваколатли органга илтимосномa берганда, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида келишув тузилгандаиш юритишни тўхтатиб туриши шарт.

Иқтисодий процессуал кодексининг 102-моддасига кўра эса суд суд томонидан экспертиза тайинланганда, ишда иштирок этувчи шахс бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда, ишда иштирок этувчи шахс бўлган фуқаро давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда, чет давлатлар судларига низони мазмунан ҳал этиш учун алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳақидаги суд топшириқлари белгиланган тартибда юборилгандаиш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли.

Иш юритиш тўхтатилган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ёхуд суд томонидан белгиланган муддатларнинг ўтиши тўхтатиб турилади ҳамда иш юритиш тиклангунига қадар суд бирор-бир процессуал ҳаракатни амалга оширишга ҳақли эмас, бундан даъвони ва далилларни таъминлашга қаратилган ҳаракатлар мустасно.

Иш юритишни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф қилинганидан кейин иш юритиш тикланади.Иш юритишни тўхтатиб туриш, уни тиклаш тўғрисида ёки уни тиклашни рад этиш ҳақида суд ажрим чиқаради. Ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.Иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги, иш юритишни тиклашни рад этиш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

**Миркомил МИРМАҚСУДОВ,**
**Фарғона вилоят**
**Ўзбекистон туманлараро**
**иқтисодий суди раиси.**

ВИДЕО МУЛОҚОТ

# МУҲИМ МАСАЛАЛАР ДОИРАСИДА

**Куни кеча Бухоро шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари, кўп тармоқли марказий поликлиникалар, оилавий поликлиника ва оила шифокори пунктлари, даволаш-профилактика муассасалари, ихтисослаштирилган марказлар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда бош ва катта ҳамширалар иштирокида вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан кенгайтирилган видеоконференция ўтказилди.**

Ушбу тадбирда 42 нафар бош ҳамшира 503 нафар катта ҳамширалар онлайн тарзда ўз иш ўринларидан иштирок этишди.

**Кун тартибидан ўрин олган масалалар:**

*“Ўзбекистон Рсепубликаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар;*

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 20 январдаги 34-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча бошқарув аппарати, тиббиёт даволаш-профилактика ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, ташкилот, корхоналар ходим ва талабаларнинг тиббий деонтологияси ва маданияти тўғрисида”ги НИЗОМ қандай бажарилаётгани бўйича;“Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги амбулаторий-поликлиника муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжат шаклларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Вазирликнинг 2022 йил 17 январдаги 16-сонли буйруғи ҳақида;*

Шунингдек, 2021 йил давомида эришилган ютуқлар, Жондор, Қоракўл ва Ромитан туман тиббиёт бирлашмалари мисолида муаммо ва камчиликлар таҳлили ўтказилди.

Видеоконференцияда тиббиёт муассасаларига мурожаат қилаётган фуқаролар ва уларнинг яқинларига юқори даражадаги муомала билан тиббий хизмат кўрсатиш, “Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ишларида фаол бўлиш” каби топшириқ ва вазифалар белгиланди. Шунингдек, ҳозирда ҳамширалар ва фельдшерлар олдида турган бошқа муҳим вазифалар ҳақида фикр юритилди.




***Видеоконференцияда барча онлайн чиқиш марказларидаги қатнашувчилар ўз мулоҳазалари, таклифлари билан фаол иштирок этдилар ва мулоқот давомида “Тиббиётнинг олий мақсади – инсон саломатлигига эришишдир” деган тамойил устувор бўлиб турди.***

**Маъмурахон САФОЕВА,**
**Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош мутахассиси**

"101" ОГОҲЛАНТИРАДИ

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ЁНҒИНДАН АСРАЙЛИК!

**Барчамизга маълумки, тилсиз ёв яъни ёнғиндан эхтиёткорлик билан фойдаланилмаса, оқибатда кўнгилсизлик, баъзан фалокат ва кўплаб моддий йўқотишлар келиб чиқиши мумкин.**

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкини кўз қорачиғидай сақлаши ва асраб-авайлаши, уни бойитиши ҳақида қайғуриши лозимдир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, профилактик тадбирлар орқали кенг тушунчалар бериб бориш, содда қилиб тайёрланган ёнғин хавфсизлиги қоидалари мужассамлашган турли тарғибот материалларини ёш болаларга мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб ўргатиб бориш самарали тарғиботлардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга катталарнинг бепарволиги сабаб, минг афсуски, ёш болаларни уйда қаровсиз қолдириш натижасида, ўйинқароқлик билан гугурт ўйнаб, ёнғин келиб чиқишига сабаб бўладиган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Статистика маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, инсонларнинг, айниқса, ёш болаларнинг ёнғинларда ҳалок бўлиш ҳодисалари йилнинг куз-қиш фаслларига тўғри келади. Бундай ҳодисалар катталарнинг айби билан ҳамда болаларнинг олов билан ўйнашлари оқибатида содир бўлади. Айрим ҳолатларда уйда ёлғиз қолдириб кетилган ёш болалар катталарга тақлид қилиб гугурт ёқишади, кўринарли жойда қолдирилган электр дазмоллари ва электр плиталарини ёқишади. Бу албатта, кўнгилсиз ҳолатларга олиб келади. Афсуски, ҳалок бўлган болаларнинг ёшлари 4-8 ёшни ташкил этади. Бутун дунё статистика маркази ("CTIF")нинг маълумотига кўра жаҳонда соатига ўртача 1000 та, бир дақиқада эса 17 та ёнғин содир бўлади. Ёнғинлар оқибатида бир соатда ўртача 10 нафар, ҳар 100 та ёнғинда 1 нафар инсон ҳалок бўлиши ҳолати кузатилмоқда.

**Доимо эсингизда бўлсин:** тақиқлар қизиқувчанликни қўзғатади, мустақиллик истагини кучайтиради ва қайтарилмас оқибатларга олиб келади. Сиз эса ёнғин содир бўладиган ҳолатларда, фарзандларимизга қандай муносабатда бўлишни тушунтиришингиз муҳим аҳамиятга эга.

*1.Бола ўз манзилини, фамилиясини, исмини ва телефон рақамини билиши керак!*

*2.Ёнувчан қурилмаларни болалар қўли етмайдиган жойда сақланг.*

*3.Аввало ўзингиз намуна бўлган ҳолда, электр жиҳозларини, айниқса, кичик жиҳозлар (дазмол, фен, қаҳва қайнатгич, электр чойнак ва бошқалар)ни қандай ўчириб қўйишни кўрсатинг.*

*4.“Гугурт болалар учун ўйинчоқ” эмаслигини эслатишни унутманг.*

**Мухтасар қилиб айтганда, ёнғин назорат қилиб бўлмайдиган ёниш жараёни бўлиб, агар ҳар биримиз белгиланган тартиб қоидаларга қатъий амал қилиб, эҳтиёт чораларини кўрадиган бўлсак, ёш болаларни қаровсиз қолдирмасдан, уларга ёшлигидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларини уқтириб борсак, жойларда юз бериши мумкин бўлган ёнғинларни олдини олиниб, нафақат фарзандларимизни балки ўз ҳаётимизни ҳам сақлаб қолган бўламиз.**

**Жанибек САЛИМБАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси маъмурий биноларида ЁХТТЭБ 4-бўлинмаси ЁН ва ПБ мутахассиси, катта сержант.**

# ЭҲТИЁТКОРЛИК ЗАРУР

**Республикамиз ҳудудидаги аҳоли турар жойлари ва халқ хўжалиги тармоқларида содир бўлаётган ҳамда улар оқибатида юзага келаётган кўнгилсиз ҳолатлар яъни қиш мавсумида ёнғин ҳолатларининг учраётганлиги ҳар биримизни ташвишга солиши табиий.**

Содир бўлаётган ёнғинларнинг аксарият қисми газ ускуналари, иситиш печларини носоз ҳолда ишлатилиши ва иситиш печларининг дудбуронларини ўз вақтида тозаламаслик сабаб кўплаб ёнғинлар келиб чиқмоқда. Хонадонларда ёнғин каби кўнгилсиз ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида қуйидагиларга риоя қилишингизни сўраймиз:

*- хонадондан чиқиш вақтида барча электр мосламаларни ва газ ускуналарини ўчиришни асло унутманг;*

*-газ иситиш печларини назоратсиз қолдирманг;*

*-газ иситиш печларини дудбуронларини доимий равишда тозаланишини таъминланг;*

*-газ плиталари устида кийим-кечакларни қурутманг;*

*-газ плитаси устида қозон ёки чойнакни назоратсиз қолдирманг;*

*-газ плиталарини резина шланглари орқали улаб олманг.*

**Кўрсатилган қоидаларга амал қилсангиз шаҳримиздаги ёнғинларни олдини олишга кўмаклашган бўлар эдингиз.**

**М. ТУРСУНОВ,**
**Тошкент шаҳар Миробод тумани фавқулодда вазиятлар бўлими инспектори, катта сержант.**

# КУЧЛИ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ЗАҲАРЛИ ГАЗЛАР

**Кучли таъсир этувчи заҳарли газ, бу-асосан суюлтирилган газ, табиий газ, кўмир ва ёғоч (ҳар қандай ёнувчи жисм)ларнинг ҳаво етишмаслиги натижасида чала ёнишидан ҳосил бўладиган ис газидир.**

Ис газини ҳосил бўлишига сабабчи бўлиши мумкин бўлган яна бир омил, бу куз-қиш мавсумида хонадонларни иситишда фойдаланиладиган ностандарт қўлбола иситиш воситалари ҳисобланади. Чунки қўлбола иситиш печларини ичида ёнаётган газда етарлича ҳаво мавжуд эмас, чунки 1 М3 табиий газнинг тўлиқ ёниши учун 10 М3 ҳаво зарур. Куз-қиш мавсумида хоналарни эшик дераза ромлари очилмайди, натижада хонага ҳаво кирмайди ва қўлбола иситиш печи ичкарисида ёнаётган газ тўлиқ ёнмай, ис газининг ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин. Ис гази рангсиз, таъмсиз, ҳидсиз газ бўлиб, нафас олинувчи ҳавонинг таркибида 0,1 фоизни ташкил этса, ўлим ҳолати юзага келиши табиий ҳолдир.

**Ис газ одам организмига тушганда, қон таркибидаги гемоглабин ва кислород ташувчи эритроцитларни ўзаро боғлаб, кислороднинг тана бўйлаб ҳаракатланишини чеклайди, натижада инсонларда ис газидан заҳарланиш ҳолати юзага келади.**

**Сарвар ТУЛЯГАНОВ,**
**Ўзбекистон МТРК Медиа маркази ДМ ЁХТТЭБ ёнғин назорати ва профилактика бўйича инспектори, капитан.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30 уй, 2–қават.
Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 593 нусха.
Буюртма Г-240

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.